

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Султанов Махмуд Ахмедович,

PhD, доцент. «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент. Ўзбекистон. Почта: makhmud.sultanov@bk.ru

ORCID: 0009-0004-3104-6375

IMPROVEMENT WAYS OF THE BANKS INVESTMENT ACTIVITY

Sultanov Mahmud Akhmedovich,

PhD, Associate Professor of the Department of Finance and Accounting. Tashkent State University of Economics. Tashkent. makhmud.sultanov@bk.ru

ORCID: 0009-0004-3104-6375

JEL Classification: G1, G23, G24

Аннотация. Мақолада, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк устав капиталли энг кам миқдори 2025 йилгача босқичма-босқич беш юз миллиард сўмгача ошириши назарда тутилганлиги боис, Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси ҳамда тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириши зарур бўлган вазифалар тадқиқ қилинган. Банкларнинг инвестицион фаолиятини такомиллаштиришда, унинг илмий назарий жиҳатларини ўрганиши мақсадида хорижий тажрибалар ва олимларнинг тадқиқот ишларидан ҳаволалар келтирилган. Жумладан, ҳалқаро тажрибада банклар инвестицион фаолиятини институционал инвесторларнинг муҳим бўғини сифатида юришиб, қимматли қозғозлар бозори орқали банк капитализацияси оширишини мақсад қилишади. Ўзбекистондан фарқли равишда, аксарият давлатлар молия бозорида қимматли қозғозларнинг рискга мойиллигини инобатга олган ҳолда, у билан боғлиқ операцияларни тижорат банклари фаолиятдан ажратиб амалга оширадilar. Англо-саксон давлатлари банкларининг инвестицион фаолияти

банкларнинг ишончли операциялари бўлимлари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга қаратилганлиги туфайли, қимматли қозғозлари билан боғлиқ операциялар инвестицион банклар ёрдамида амалга оширилади. Европа мамлакатларида банкларнинг қимматли қозғозлар билан боғлиқ инвестицион фаолияти тижоратдан ажратилмаганлиги туфайли, уларни универсал банклар амалга ошириб, қимматли қозғозлар бозорининг континентал моделига хослигини билдиради. Россиялик олимлар тадқиқотларида қимматбаҳо қозғозлар билан операцияларни амалга оширишда тижорат инвестиция банклари иштирокига алоҳида урғу берилган.

Мақолада банкларнинг инвестицион фаолиятини такомиллаштириши мақсадида қимматли қозғозлар бозорида эмитент сифатида муомалага чиқарган акциялари, уларнинг институционал инвесторлар таркибидаги улуши, ҳамда йирик акциядорлик жамияти ҳиссасининг амалдаги ҳолати ўрганилган. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиши стратегиясида халқаро молия институтлари кўмагида, капиталли ва активлари миқдори, кредит ва депозит

портфеллари ҳажми бўйича Ўзбекистондаги йирик банклар саналадиган «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асака» ҳамда «Ипотека-банк», «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Туронбанк»даги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши назарда тутилганлиги ўрганилган. Ушбу акциялари IPO чиқарилиши кутилаётган банкларнинг "Тошкент" РФБ савдоларидаги фаоллиги таҳлил қилиниб, уларнинг инвестицион фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар баён этилган.

Abstract. In the article, since commercial banks operating in our country are supposed to gradually increase the minimum amount of authorized capital to five hundred billion soums until 2025 in accordance with the current legislation, the tasks that Uzbekistan needs to implement within the framework of the banking system reform strategy and the development strategy have been researched. References are given from foreign experiences and research works of scientists in order to improve the investment activity of banks, for the purpose of studying its scientific theoretical aspects. In particular, in international experience, banks conduct investment activities as an important link of institutional investors and aim to increase bank capitalization through the stock market. Unlike Uzbekistan, most countries, taking into account the riskiness of securities in the financial market, separate operations related to it from the activities of commercial banks. Due to the fact that the investment activity of the banks of the Anglo-Saxon countries is focused on investments carried out by the trust operations departments of the banks, operations related to securities are carried out with the help of investment banks. Owing to the fact that investment activities of banks related to securities in European countries are not separated from commerce, they are carried

out by universal banks, which means that they are similar to the continental model of the securities market. Special emphasis is placed on the participation of commercial investment banks in the implementation of transactions with valuable securities in the research of Russian scientists.

In order to improve the investment activity of banks, the shares issued as issuers in the securities market, their share among institutional investors, and the current situation of the contribution of large joint-stock companies are studied in the article. It was studied the strategy for reforming the banking system of Uzbekistan with the support of international financial institutions, the provision of gradual privatization of State shares in "Uzsanoatqurilishbank", "Asaka" "Ipoteka-Bank", "Alaqabank", "Qishloq qurilish bank" and "Turonbank", which are considered large banks in Uzbekistan in terms of the amount of capital and assets, the volume of credit and deposit portfolios.

Key words: stock market, institutional investor, quote, ordinary share, preferred share, "Tashkent" RFB.

Калим сўзлар: қимматли қоғозлар бозори, институционал инвестор, котировка, оддий акция, имтиёзли акция, "Тошкент" РФБ.

Кириш. Ривожланган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозоридан инвестиция институтлари касбий малакага эга бўлмаганликлари туфайли, маблағларини инвестиция объектларига йўналтиришда, институционал инвесторларга, яъни банкларнинг траст бўлимлари ёки молиявий воситачилар хизматларидан фойдаланиш зарурияти юзага келади. Дунё тажрибасида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг ташкилий модели мансублигига мос равишда амалга

оширилади. Ўзбекистондан фарқли равишда, аксарият давлатлар молия бозорида қимматли қоғозларнинг рискга мойиллигини инobatга олган ҳолда, у билан боғлиқ операцияларни тижорат банклари фаолиятдан ажратиб амалга оширадilar. Европа мамлакатларида банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ инвестицион фаолияти (маблағларини инвестициялашда) тижоратдан ажратилмаганлиги туфайли, универсал банклар амалга ошириб, континентал моделига ҳослигини англатса, АКШ англо–саксон моделини қўлагани боис, жалб қилинган маблағларни корпоратив қимматли қоғозларга йўналтириш юқори рискга эга эканлиги тижорат банкларига буни амалга оширишни тақиқлаб, инвестиция банкларига эса аксинча мижозлари томонидан қўйилган капиталлари харакати натижасида қаердан даромад келаётгани ёки аксинча зарарга ишлаётгани тўғрисида таъсаввурга эга бўлиши мақсадида рухсат берганини эътироф этишади

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида иқтисодиёт молия секторини ривожлантиришда чет эл тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор сифатида фаоллиги ошиб бораётган банкларнинг эмитент ва инвестор сифатидаги фаолиятини ўрганишни тақазо этади. Бунда иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтиришга қаратилган тадбирлар долзарб масалалардан ҳисобланади. 2020–2025 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш стратегияси[3]да халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака»,

«Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Туронбанк»даги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши назарда тутилган. Ушбу банклардан «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асака» банклари – капитали ва активлари миқдори, кредит ва депозит портфеллари ҳажми бўйича Ўзбекистондаги йирик банклар саналади. Шунингдек, тараққиёт стратегиясида банк тизимида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини амалга ошириш орқали банклардаги давлат улушини очик ва шаффоф механизмлар асосида хусусийлаштиришга қаратилган “банк тизими активларида хусусий сектор улушини ошириш”[4] банкларининг қимматли қоғозлар бозорида фаол инвестиция фаолияти олиб борилишини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Банклар инвестицион фаолиятини амалга оширишда қимматли қоғозларни эмиссиясидан устав капиталини, кредит ресурсларини шакллантириш учун эса пул маблағларини жалб қилиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари амалдаги қонунчилик[1]ка кўра банк устав капитални энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрида юз миллиард сўмдан, истиқболда, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун 13-моддасига асосан “банк устав капитални энг кам миқдорини 2025 йилгача босқичма-босқич беш юз миллиард сўмгача ошириш юзасидан тегишли қўшимчалар киритиш” таклиф этилмоқда. Бу ўз навбатида тижорат банкларидан устав капитални энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишда фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида амалга ошириши туфайли қўшимча акцияларни муомаллага чиқариш учун қимматли қоғозлар бозорида

инвестицион фаолиятини жадаллаштиришини ҳам тақазо этади.

Материал ва метод. Бугунги кунда, иқтисодиётнинг молия секторини, жумладан институционал инвестор сифатида банк маблағлари инвестицион афзалликларга эга эканлиги ва жаҳон амалиётига мос тарзда инвестицион фаолиятини илмий-назарий тадқиқ этишни такомиллаштириш истиқболларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти тараққиётини тадқиқ қилиш услубимизда банкларнинг институционал инвестор сифатида молия бозори тизимидаги ривожланиш қонуниятлари ва макродаражадаги тартибга солиш шартларини тизимлаштириш, кейинчалик қимматли қоғозлар бозорида институционал инвесторларнинг молиявий воситачилар таркибида тадқиқ этилиши, ҳамда иқтисодиёт тараққиётида ўзига хос ўрни мавжудлигини, ва ниҳоят мустақил тизим сифатида бир-бирини тақозо этувчи элементлар мажмуидан иборат инвестицион фаолият эканлиги ўрганилади. Шу боис, банклар институционал инвесторларнинг муҳим бўғини сифатида инвестицион фаолиятини иқтисодий тизимлаштириш қонуниятлари, тараққиётининг тизимли таҳлили ва концептуал асосларининг илмий методологик апаратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айнан, англо-саксон давлатлари банкларининг инвестицион фаолияти тадқиқ қилинаётганда, жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга иқтисодчи олимлардан У.Шарпнинг «америка акциялари бозорида инвесторларнинг аҳамияти ошаётгани муҳокама қилинаётганда, асосий эътибор пенсия жамғармалирига, суғурта компанияларга,

банкларнинг ишончли операциялари бўлимлари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга қаратилади. Ушбу ташкилотларнинг умумий улуши америкалик корпорациялар томонидан муомалага чиқарилган акциядорлик капиталининг яримидан ортиқ бўлган қисмига эгалар»[5] - деб билдирган мулоҳазалари, ушбу мамлакатлар қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар инвестицион банклар ёрдамида амалга оширилишини билдиради. АҚШ банкларида жалб қилинган маблағларни корпоратив қимматли қоғозларга йўналтириш юқори рискга эга эканлиги туфайли тижорат банкларига буни амалга оширишни тақиқлаб, инвестиция банкларига эса аксинча мижозлари томонидан қўйилган капиталлари харакати натижасида қаердан даромад келаётгани ёки аксинча зарарга ишлаётгани тўғрисида таъсаввурга эга бўлиши мақсадида рухсат берганини эътироф этишади.

Тижорат банкларининг институционал инвестор сифатида белиларига хос тадқиқотларда, рус олимлари ва мутахассислари фикрига кўра мукамал таъриф В.Н. Колесников томонидан тавсия этилган: У «Қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган турли молиявий институтларни (тижорат ва инвестиция банкларини, суғурта жамиятлари ҳамда пенсия жамғармаларини)»[6] тушунилишини айтиб ўтган. Айнан мазкур ёндашувга асосан институционал инвесторларнинг аксарияти турли инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг маблағларини бирлаштириб уларни даромад олиб келадиган қимматбаҳо қоғозларга сармоя қилиш имкониятини қидирувчи тижорат

банкларини шакллантириш зарурлигини эътироф этади.

Маҳаллий олимлардан А.Т. Узоқов қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолиятини институционал инвестор сифати ҳам олиб боришига қуйидагича таъриф берган. «Институционал инвесторлар шундай мутахассисларки, уларга бировнинг пулини бошқарганликлари учун ҳақ тўланади. Уларни молиявий муассасалар, масалан, банклар, суғурта компаниялари, ўзаро ва пенсия фондлари, шунингдек, молиявий бўлган корпорациялар ва алоҳида ҳолатларда – хусусий (якка) шахслар ишга ёллайдилар»[7].

Ушбу таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиёти қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор сифати банкларнинг инвестицион фаолияти инвестицион ёки универсал банкга ажратилмаганлиги туфайли тижорат банклари зиммасига юклатилганлиги ҳамда фонд бозорининг талаб даражасида ривожланмаганлиги боис молия соҳасига оид адабиётларда унинг илмий-назарий асослари бўйича тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.

Натижалар. Иқтисодиётнинг молия секторида омонатларнинг инвестицияга трансформациялашувида тижорат банклари муҳим аҳамият касб этади. Ҳалқаро тажрибада банклар институционал инвесторларнинг муҳим бўғини сифати ҳам фаолият юритиб, қимматли қоғозлар бозори орқали банк капиталини оширишини мақсад қилишади. Банк устав капиталини оширилиши, унинг фаолияти давомида қутулмаган рисклар туфайли юзага келадиган зарарни қоплаш учун захираси

сифатида ҳам қаралади. Тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишидаги ҳиссаси ортиб бораётгани, миллий иқтисодиётда инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётни ривожланиши, ҳамда унинг турли соҳалари бир маромда ишлаб туриши учун молиявий сектор, ундаги институционал инвесторлар фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз қимматли қоғозлар бозорида катта ҳажмдаги молиявий ресурсларни жамловчи ва уни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтира оладиган асосий институционал инвестор – банклар ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётнинг техник ва технологик янгиланишини қўллаб-қувватлаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштириш орқали банк тизими давлат инвестиция инвестиция сиёсатини изчил амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қимматли қоғозлар бозори тижорат банкларига қўшимча капитал жалб қилиш имкониятини ҳам яратади. Улар қимматли қоғозларни эмиссиясидан устав капиталини, кредит ресурсларини шакллантириш учун эса пул маблағларини жалб қилиши мумкин.

Ўзбекистон банклари фонд бозори савдоларига акцияларнинг муомалага чиқарилув қиймати 60,3 трлн. сўм¹ бўлиб, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари (АЖ) томонидан чиқарилган умумий

¹ www.deponent.uz

акцияларнинг 33,7 %, институционал институтлар таркибида эса 96,7 %га тенг. Бундай ҳолат, мамлакатимизда инвестор – эмитент сифатида тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида монополь даражага етгани, ҳамда мамлакат молиявий салоҳиятининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирининг юқорилиги билан баҳоланади. Лекин, молия сектори томонидан чиқарилган умумий акцияларнинг салмоғини республикамиз иқтисодиёти бўғинида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари (АЖ) билан таққослаганда, ушбу улуш 35,3 %ни ташкил этади. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорига чиқарилаётган акцияларнинг аксарият қисми иқтисодиётнинг реал секторида

фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ҳиссасига тўғри келади.

Республикамизда банклар “қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш”[1] – орқали банклар томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларни амалга ошириш, банклар устав капитали энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишда қўшимча акцияларни муомалага чиқариш муҳим аҳамият касб этади. 1-жадвалда Республикаимизда фаолият юритаётган акциядорлик-тижорат банклари (АТБ) томонидан муомалага чиқарилган акцияларининг номинал баҳоси келтирилган.

1-жадвал

Акциядорлик-тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган акцияларининг номинал баҳоси, сўмда²

№	Банклар номи	Акцияларнинг номинал баҳоси, сўмда	
		Оддий акция	Имтиёзли акция
1	Хамкорбанк АТБ	5,0	5,0
2	Микрокредитбанк АТБ	1 068,0	1 068,0
3	Қишлоқ қурилиш банк АТБ	119,25	119,25
4	Ипотекабанк АТИБ	1,0	1,0
5	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	19,0	19,0
6	Гарантбанк АЖ	100,0	100,0
7	Алоқабанк АТ	121,0	121,0
8	Агробанк АТБ	1 168,0	1 168,0
9	Универсалбанк АТБ	5 000,0	-
10	Туронбанк АТБ	1 700,0	1 700,0


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикаимиз акциядорлик-тижорат банклари (АТБ) томонидан муомалага чиқарилган акцияларининг

номинал баҳоси 1 сўмдан 5000 сўмгача бўлган қийматга эга. Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ эса, “акцияларнинг номинал қиймати беш

² openinfo.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас[2]. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади[2]. Шу сабабли,

жадвал маълумотларида АТБ томонидан муомалага чиқарилган акцияларининг номинал баҳосининг энг кам қиймати 1 сўмдан АТИБ Ипотекабанк акцияларига тегишли бўлса, юқори қиймат 5000 сўм даражасида АТБ Универсалбанк акцияларида акс этган. Шу билан бирга оддий ва имтиёзли акциялар номинал қиймати бир хил қийматда муомалага чиқарилиб, "Тошкент" РФБ ёки биржадан ташқари бозорларда котировка баҳосининг ўзгариши натижасида бозор қиймати фарқланиши мумкин. 1-расмда республикамиз банкларининг қимматли қоғозлар бозорида эмитент сифатида муомалага чиқарган акциялари, уларнинг институционал инвесторлар таркибидаги улуши, ҳамда банклар таркибидаги йирик акциядорлик жамияти ҳиссаси таҳлили амалга оширилган.



1-расм. 2023 йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистон институционал инвесторлари томонидан муомалага чиқарилган акциялари ва йирик акциядорлик тижорат банклари ҳиссаси, фоизда³

³ <https://deponet.uz>. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1-расм маълумотларидан кўришиб турибдики, 2023 йил 1 апрель ҳолатига республикамиз институционал инвесторлари томонидан 62,4 трлн. сўмлик акциялар муомалага чиқарилган бўлиб, унинг 96,4 %и ёки 60,3 трлн. сўми банклар улушига тўғри келган. Бундай ҳолат, тижорат банкларнинг устав капиталини оширишга қўйилган талаб боис юзага келган. Шунингдек, Республикамизда эмиссия қилинган акциялар бўйича улуши юқори банклар маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда 8,6 трлн. сўмлик акцияларини эмиссия қилган «Agrobank» акциядорлик тижорат банки (АТБ) 14,19 % билан энг юқори улушга эга. Кейинги ўринларда «O'zbekiston Respublikasi aksiyadorlik tijorat Xalq Banki» муомалага чиқарган акцияларининг ҳажми 7,4 трлн.сўмга тенг бўлиб, 12,19% улушига, ҳамда «Asakabank» акциядорлик жамияти мос равишда 5,9 трлн. сўмлик ва 9,72% улушга эга. Қолган 31 та акциядорлик жамияти кўринишидаги тижорат банклари 38,4 млрд. сўмлик акцияларини муомалага киритган бўлсада, уларнинг умумий улушдаги хиссаси 63,6 %га тенг.

Жаҳон қимматли қоғозлар бозорида юқори мавқега эга бўлган инвестиция фондларининг миллий иқтисодиётимизга таъсири кам бўлиб, улар томонидан атиги 2,32 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариб, институционал инвесторлар таркибидаги хиссаси ҳам мос равишда 0,01 фоизга яқин бўлса, қолган 3,95% ёки 2,1 трлн. сўмдан ортиғи суғурта компаниялари хиссасига тўғри келади. Бу эмитент сифатида суғурта компаниялари сони 2019 йил бошида атиги 9 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 48 тага етган ва улар томонидан муомалага чиқарилган акциялар суммаси мос равишда кўпайганидан далолат

беради. Шунингдек, тижорат банклари инвестиция сиёсатининг бош мақсади бошқа институционал инвесторлар каби ўз маблағларининг даромадлилигини таъминлаш ҳисобланади.

Республикамиз банклари томонидан «Тошкент» РФБ савдоларидаги фаоллигини ҳам турлича баҳолаш мумкин. 2023 йил 22 май ҳолатига «Тошкент» РФБ савдоларида асосан 10 та банк фаол иштирок этган. Фаол банк сифатида АТБ «Хамкорбанк»ни эътироф этиш мумкин. АТБ «Хамкорбанк» томонидан 5 сўмлик номинал қийматда муомалага чиқарилган акцияларнинг «Тошкент» РФБ савдоларида котировка қилиниши натижасида бозор баҳоси 125,01 сўмга, имтиёзли акцияси ҳам 75 сўм 35 тийинга кўтарилгани ёки капитализация қилиниши натижасида мос равишда 25 ва 15 баробаргача ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу 2 та акция турининг биржа савдоларидаги қийматининг ошиши АТБ «Хамкорбанк» томонидан фаолияти учун муҳим бўлган кўшимча молиявий ресурсларни жалб этгани, бир томондан «Тошкент» РФБ савдоларида Республикамиз тижорат банкларининг институционал инвесторлари сифатидаги фаоллиги ошаётгани бўлса, иккинчи томондан тараққиёт стратегиясида белгилаб қўйилганидек, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, фонд бозори айланмасини ошишида иштирок этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш стратегиясида давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши ва акциялари IPO чиқарилиши кутилаётган «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Туронбанк» биржа савдоларидаги фаоллигини таҳлил

қиладиган бўлсак, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Ф қиладиган бўлсак, 119,25 сўмлик номиналга эга оддий акцияларининг бозор баҳоси 94,3 % гача тушиб, 112,42 сўмга камайган бўлса, имтиёзли акцияларнинг номинал баҳосига нисбатан, бозор баҳоси 42,8 баробаргача ошиб, 5100 сўмга етган. Эмитентнинг 2022 йил ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 25,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

АТИБ "Ипотекабанк" оддий ва имтиёзли акциялари номинал қиймати 1 сўм қилиб белгиланган бўлса, биржа савдоларида унинг оддий акцияси 91 тийинга тушиб кетган, имтиёзли акцияси котировкаси деярли 3,5 баробарга ошиб, 3 сўм 47 тийингача кўтарилган. Ушбу эмитентнинг ҳам 2022 йил ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 25,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» – капитали ва активлари миқдори, кредит ва депозит портфеллари ҳажми бўйича Ўзбекистондаги иккинчи акциялари банк бўлиб, унинг акциялари номинал қиймати бўйича 19,0 сўм миқдоридан муомалага киритилган. Биржа савдоларида оддий акциялари котировкаси 10,1 сўм ёки 53,2 %гача тушиб кетган бўлса, аксинча имтиёзли акциялари баҳоси 2 баробарга, яъни 38 сўмгача ошган. АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" 2022 йил ҳисоботларида, бу банкда ҳам оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 23,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

Акциядорлик-тижорат (АТ) "Алоқабанк"нинг "Тошкент" РФБ савдоларида акциялар котировкасини таҳлил қиладиган бўлсак, номинал баҳоси 121,0 сўм бўлган акциялардан, оддий акциялари қиймати 82,0 сўм ёки 67,8% гача тушиб кетган бўлса, унинг имтиёзли акциялари баҳоси 4,5 баробарга, яъни 550,0 сўмгача ошган. АТ "Алоқабанк" сайтидаги маълумотларга кўра, кейинги 2020-2022 йилларда йил якуни бўйича соф фойдаси ҳисобидан оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмаган. Имтиёзли акциялар банкларда асосан ходимларига ўртасида жойлаштирилишини ҳисобга олсак, акциялар котировкасини ошиб кетиши банк стратегияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

АТБ "Туронбанк" фонд бозоридаги банк акцияларининг номинал баҳоси 1700 сўмни ташкил этади. Биржа савдоларида АТБ "Туронбанк" оддий акцияси 1329,99 сўм ёки 82,4 %гача тушиб кетган бўлса, имтиёзли акцияси котировкаси деярли 1,5 баробарга ошиб, 2500 сўмга етган. Ушбу эмитентнинг ҳам 2009-2020 йиллардаги ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига 0-30% оралиғида (баъзи йилларда умуман тўланмаган) дивиденд тўлаган бўлса, банк имтиёзли акция эгаларига мунтазам равишда 20,0 - 43,0 % миқдоридан дивиденд тўлаб келмоқда. Ушбу банкнинг дивиденд сиёсати республикадаги банклар орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради⁴.

Хулоса. Регулятор маълумотларига кўра⁵, банк устав капитали энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрида юз миллиард сўмдан икки юз миллиард сўмлик дастлабки талаб кучга киришига 3

⁴ openinfo.uz маълумотлари

⁵ <https://kun.uz/news>

ойдан камроқ вақт қолганини эътироф этиб, жорий йил 1 май ҳолатига, камида 8 та банкнинг устав капитали 200 миллиард сўмга етмаслиги, ҳамда устав капиталнинг миқдори минимал талабга жавоб бермайдиган банкларга бошқа банкларга қўшилишни тавсия қилган. Бизнинг фикримизча, банклар акциядорлик жамияти кўринишида фаолият юритишини ҳисобга олиб, бундай тавсия нотўғри ҳисобланади. Чунки, ушбу банкларнинг акциядорлари режалари (манфаатлари), ҳамда уларнинг таъсис ҳужжатларидаги белгиланган вазифалари ўзаро зид келиши мумкин. Шу билан бирга, банк фаолияти билан боғлиқ масалаларга ечим акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мос келиши керак.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларда асосий урғу банкларнинг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари устав капитали энг кам миқдорини босқичма-босқич ошириш учун қўшимча акцияларни муомалага чиқаришни тақазо этади. Шу боис, улар

“Тошкент” РФБ савдоларида инвестицион фаолиятини жадаллаштириши ва инвесторларга банк фаолияти хусусида қўшимча маълумотлар эълон қилиб бориши керак. Шу сабабли, Республикаимизда ҳам иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларидаги каби кунлик ахборот-таҳлил журнал (газета) ёки интернет сайтини яратиш зарур.

АТБ “Хамкорбанк”нинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятини таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу банкнинг “Тошкент” РФБ савдоларида институционал инвесторлари сифатидаги фаоллиги ошиб, акцияларининг котировка баҳоси номинал баҳосига нисбатан 15-25 баробарга ўсган. Бундай амалиёт бошқа банкларда ҳам қўлланилса, нафақат тараққиёт стратегиясида белгилаб қўйилганидек мамлакатимиз фонд бозорини капитализацияси ошади, балки банк фаолияти учун зарур бўлган қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти яратилади.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сон Қонуни (янги таҳрир). Тошкент ш., 2019 йил 5 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикасинининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-370-сонли Қонуни. 2014 йил 6 май. 23 модда
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисидаги” Фармони. 2020 йил 12 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги Фармони иловаси. 2023 йил 28 февраль, 27-мақсад
5. Шарп У.Ф. и др. Инвестиции: Учебник/ У.Ф. Шарп, Г.Дж. Александер, Дж.Бэйли, Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - XII, 1028 с.



6. Колесников В.Н., Торкановский В.С. Ценные бумаги: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 447с

7. Узоқов А., Кенжаев Н. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008 йил. 22-25 бб